



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2021 йил
3 февраль
ЧОРШАНБА
№ 9 (13362)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

“Тошкент ҳақиқати” таништиради



Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Даврон ҲИДОЯТОВ

Даврон Абдулпаттахович Ҳидояттов 1976 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банк” бош амалиёт бўлимида 1-тоифали мутахассисликдан бошлаган. 2009 йилгача мамлакатимиз ва хориждаги банк-молия муассасаларида турли масъул вазифаларда меҳнат қилган. 2009-2012 йилларда «Женерал Моторс Ўзбекистан» ёпиқ акциядорлик жамиятининг молия масалалари бўйича директори, шу жумладан, 2011-2014 йилларда (2011-2012 йилларда ўриндошлик асосида) «JV MAN Auto-Uzbekistan» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси бош директори вазифаларида ишлаган. 2014-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси бўлиб ишлаган. 2017-2018 йилларда пойтахтнинг Чилонзор туманига раҳбарлик қилган. 2018 йилдан Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган.

Даврон Ҳидояттов Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони асосан Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи сифатида фаолият бошлади.

Вилоятнинг янги етакчисига масъулиятли вазифада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси

Кеча Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари билан бир қаторда вилоят сектор раҳбарлари, тижорат банклари, молия, бандлик соҳаси мутасаддилари ҳамда ижтимоий комплекс таркибидagi ва шу тармоққа алоқадор бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Депутатлар сессия кун тартибига мувофиқ, вилоятда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар, мазкур тармоққа тегишли дастур ва белгиланган чора-тадбирлар ижросини таҳлил қилдилар. Шунингдек, айрим ташкилий масалалар қўриб чиқилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ Улуғбек Узоқов вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тасдиқланди. У. Узоқов шу пайтгача Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳокими лавозимида фаолият юритаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаятган Зухра Мирғозиева вилоят ҳо-



кимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Депутатлар вилоят ҳокимининг мазкур тайинловларга доир қарорларини тасдиқладилар.

Сессияда Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати олган суратлар

Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг сессияси



Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Акмалхон Маъдиев ўз аризасига қўра Чиноз тумани ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Шу пайтгача вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Ботир Баҳодирович Алимбеков туман ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Даврон Ҳидояттов иштирок этди.

Ҳамкорлик

Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажаришга киришган Даврон Ҳидояттов Нурафшон шаҳрида Туркиянинг «Kalyon Ulastirma» муҳандислик компанияси раҳбари Жихад Калёнжиёули билан музокара ўтказди, деб хабар бермоқда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати.

“Нурафшон — Қўйлик” йўли реконструкция қилинади

Унда узунлиги 24,4 километрни ташкил этувчи “Нурафшон—Қўйлик” автомобиль йўлини демонтаж қилиш масаласи муҳокама қилинди. Лойиҳада жамоат транспортлари учун алоҳида йўлак ажратиш кўзда тутилган.

Маълум қилинишича, бугунги кунда мазкур трассада кунга 38 мингта транспорт қатнови амалга ошади. Вилоят туман-шаҳарлари аҳолисини пойтахт билан боғловчи бу йўлда яқин истиқболда тирбандликлар юзга келиши мумкин.

Шу боис, катта шаҳарга айлиши арафасида турган Нурафшонни пойтахт билан боғловчи йўл замонавий шаҳарсозлик андозаларига мос равишда қайта таъмирланишга муҳтож.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, 2 та автостанция ва йўл бўйлаб 5 та бекат қурилади. Ўртада жамоат транспортлари ҳамда тезкор автобус қатнови учун (BRT тизими) алоҳида махсус қатнов йўли бўлади.

Ҳозир мазкур йўналишда 15 та жамоат транспорт қатнови бор. Мазкур лойиҳа амалга ошса, йўналишлар мақбуллаштирилади.

Мулоқот чоғида томонлар масаланинг кичик деталларини ҳам муҳокама қилишди. Вилоят раҳбари тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича масъулларга аниқ кўрсатмалар берди.

Шу кунги Даврон Ҳидояттов Чирчиқ шаҳрида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қуриладиган янги завод лойиҳаси билан ҳам танишди. 400 та янги иш ўрни яратиладиган, қиймати 40 миллион АҚШ доллари баҳоланган бу лойиҳа қурилиш саноати учун импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаради.

Яхши хабар

НУРАФШОНДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ҚУРИЛАДИ



Тошкент вилоятида Тўрғий йил ижтимоий соҳада бир қатор объектлар қурилиши, мукамал таъмирланиши режалаштирилган. Хусусан, замонавий мактаблар, боғчалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, поликлиникалар шулар жумласига киради.

Барча вилоятларда бўлгани каби Нурафшон шаҳрида ҳам Президент мактаби барпо этилади. Таълим маскани замонавий меъморчилик асосида қурилиб, барча қулайликларга эга бўлади. Бунинг учун давлат бюджетидан маблағлари ҳисобдан 40 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Президент мактабида ўқитиш жараёни табиий фанлар, технологиялар, техник ижодкорлик, санъат, математика соҳаларини чуқур ихтисослашган ҳолда ўқитишга асосланган. Машғулотлар халқаро “STEAM – таълим” дастури асосида олиб борилади.

Таъқидлаш жоизки, мазкур ташаббус тўғрисида мактабда иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўз мухбиримиз

Тиббиёт

Замонавий ПОЛИКЛИНИКА УЧТА МАҲАЛЛАГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ



Пискент тумани Муротали қишлоғида барча қулайликларга эга замонавий оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.

Янги оилавий поликлиника “Ҳоликберди” маҳалласида жойлашган бўлиб, Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида белгиланган топшириқлар ижроси бўйича қарийб 2,5 млрд. сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

Замонавий кўриниш ва тиббиёт ютуқлари татқиқ этилган 100 қатнов қувватига эга муассаса тўлиқ компьютер билан таъминланган, “электрон поликлиника” тизимига уланган. Икки қаватли бино 48 хонадан иборат бўлиб, УЗИ, ЭКГ, физиотерапия, лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Поликлиникада 4 нафар олий тоифали шифокор, 30 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига хизмат

кўрсатади. Тиббиёт маскани “Ҳоликберди”, “Оқтом” ва “Тараққиёт” маҳаллаларидаги 10 минг 300 нафар аҳоли, худуддаги 5 та мактаб, 1 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та ҳарбий қисмни қамраб олади.

– Илгари бу ерда 1960 йилда қурилган эски қишлоқ врачлик пункти бўлиб, аҳолининг тиббий эҳтиёжларини қондира олмас эди, – дейди фахрий ўқитувчи Рафоят Эргашева. – Оддий шамоллаш ёки тиш оғриги билан ҳам туман марказига боришга мажбур бўлардик. Янги поликлиника қурилгани жуда савобли иш бўлди. Айниқса, биз кексаларга жуда яхши тиббий хизмат кўрсатишарди.

Дарҳақиқат, эндиликда маҳаллий аҳоли “электрон поликлиника” тизими ёрдамида ўзлари учун қулай вақтда, уйдан чиқмаган ҳолда шифокор қабулига ёзилиши, шифокор ва муассаса ҳақида маълумотлар олиши, шунингдек, олинган тиббий хизматлар сифатини баҳолашлари мумкин бўлади.

Очилиш маросимида сўзга чиққан туман ҳокими Р. Рихсиев олис қишлоқларда ҳам бирин-кетин замонавий тиббиёт масканларининг қурилаётгани республикамизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни намунали ташкил этиш борасидаги амалий ишларнинг исботи эканлигини таъқидлади. Шунингдек, поликлиникага “ДА-МАС” автомобили ва планшет топширилди.

Сухробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Ёшлар тадбиркорлиги

Мақсадимиз – МИЛЛИЙ БРЕНДИМИЗНИ ЯРАТИШ

Паркент туманида ёшлар сиёсатида доир ишларни самарали амалга ошириш, муаммоларини тизимли ўрганиш, ташаббус ва гоёларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 5 та “Yoshlar mehnat guzari” мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2021 йилда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бешта муҳим ташаббус доирасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолиятини ошириш чоралари қўрилмоқда.

Бугун туманда ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги ўзгаришларда фаол иштирок этиб, тадбиркорлик қилаётган гайратли ёшлар жуда кўп.

“Дилфуза дизайн” оилавий корхонаси раҳбари Дилфуза Шамсиддинова худуддаги 50 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Айни пайтда корхонада 100 турдаги аёллар, эркалар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилади. Бу ерда кунга 4 мингта маҳсулот тайёрланиб, 100 фоиз Россия давлатига экспорт қилинади.



– 2020 йилда пандемия бўлишига қарамай, корхонамизда иш бир зум ҳам тўхтамади, – дейди Д. Шамсиддинова. – Саъй-ҳаракатларимиз билан 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Кийимларни тикишда маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз. Жорий йилда фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Биринчи галда замонавий кўринишга эга бўлган, бозор талабига мос миллий брендларимизни яратамиз. Бунинг учун ёш мутахассисларимиз етарли.

Ўз мухбиримиз
Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Муносабат

Исониат тарихида қутилмаган синовлар йили бўлган 2020 йил ниҳоясида Президентимизнинг ёшлар билан учрашувда сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлиси йўллаган Муурожаатномасида айтилган фикрлар кўнгилларда умид уйғотди, янги режалар тузишга кайфият берди.

"Сизлар - мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, овоз Ватанда эркин нафас олиб, вояга етасизлар. Юксак мақсадлар йўлида сиз - ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак. Мен сизларнинг зиммангизга юкланган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонман», - деди давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда.

Юртбошимиз ўз нутқида Учинчи Ренессанс, ёш волонтерлар фаолияти, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент тажрибаси, «Ёшлар: 1+1» дастури, Ёшлар кичик саноат зоналари, «Ёшлар муурожаати» электрон платформаси, тадбиркорликка ўқиган ёшларга 4 фоизли кредитлар, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа кўплаб умидбахш мавзуларга тўхталди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида мустақкам база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб боришда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Мазкур ҳужжатлар асосида меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг ишбилармонлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад келтирадиган тадбиркорликка жалб қилишнинг янги қирралари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Фуқароларни замонвий тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини такомиллаштириш, чет элда ишлашни истаган шахсларни касблар бўйича ўқитиш, хориждаги юрдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда: "Икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиб-ган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш йўлга қўйилди. Бу кредитларни ёшлар олий таълим муассасаларини битириб, ишлашни бошлаганларидан кейин

узиши мумкин бўлади", "2021 йилдан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Президент гранти жорий этилади. Ҳозирги Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, ушбу грант маблағлари тўрт йил давомида тўлаб борилади", дея таъкидлади.

Умидбахш орзулар РЎЎБИ



Кредитлар 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан берилди. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилади.

Шунингдек, эндиликда ёшларда бизнес кўникмаларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Касб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали уларга махсус сертификатлар тақдим этилади ва Марказий банкнинг асосий ставкасида 4 фоиз паст ставкада микрокредитлар ажратиш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Бу кредитлар 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан берилди. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилиши ҳақида алоҳида тўхталинди.

Ўтган йилдан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вазифалари доираси кенгайтирилди, меҳнат бозорини тартибга солиш, ватандошларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир муаммоларни ҳал қилиш масалалари куннинг долзарб вазифасига айланди. Вазирлик томонидан ишсиз фуқаро-

миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилди. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга ускуналар харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилди.

Шунингдек, ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳоли камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймастик учун янги-янги тизим жорий этилади. Унга қўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар (223 миң сўмдан 680 миң сўмга) оширилади ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.

"Камбағалликни қисқартириш бора-бора худудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Умуман, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз худудига камбағалликни

лар, хусусан, ёшлар "Ишга марҳамат" марказларида тадбиркорликка ўқитилмоқда. Бундан ташқари, тажриба сифатида маҳаллаларда ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказларида 6 миңдан ортиқ хотин-қиз ва ёшларни худуд хусусиятидан келиб чиқадиган ва мураккаб бўлмаган ҳаётий зарур касбларга, тадбиркорлик кўникмаларига, тил ўргатишга ўқитиш мақсад қилинган.

Банд бўлмаган ёшларнинг хунарманд сифатида рўйхатдан ўтиши, фаолият олиб борадиган жойларининг ижара тўловлари учун субсидиялар ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган, бироқ бунинг учун етарли маблағга эга бўлмаганлар учун эса Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

2021 йилга "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб ном берилди. Демак, жорий йилда ёшлар уртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш - энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим. Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг қарама-қарши таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди.

Жорий йилда маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича миңдан зиёд марказлар ташкил этилиши маълум қилинди. Бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1

қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чорақда маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак», дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, Муурожаатномада ички ва ташқи сиёсат, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя, аҳоли саломатлиги, таълим, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги, суд-ҳуқуқ, оммавий ахборот воситалари каби йўналишларда кенг қамровли ишлар олиб борилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни ўз олдимиғизга қўйган эканмиз, бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар бизни янада яқдил бўлишга, бирлашишга, миллат тақдири учун масъулликка, Ватан равнақи учун фидойиликка чорлайди.

Гуллола ИСОҚОВА, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тилини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Вилоят бўйлаб

Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхоналикни кенг тарғиб қилиш мақсадида ЗАНГИОТА, ПИС-КЕНТ, ОҚҚўРҒОН туманларида "Ёш китобхона" танлови бўлиб ўтди. 10-14, 15-19, 20-30 ёшлилар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига фахрий ёрлик ва совғалар топширилди. Биринчи ўринни эгаллаган китобхоналар танловнинг вилоят босқичига йўлланма олишди.

Ўрта чирчиқ тумани "Янги ҳаёт"

маҳалласида тадбиркор Мухтасар Бойжигитова 25 ўринга мўлжалланган "Kinder" номли оилавий боғча фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда тўрт нафар малакали педагог болалар тарбияси билан банд.

Боғча хоналари ўзига хос тарзда безатилган. Болалар зерикмаслиги ва таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.

ОЛМАЛИҚ шахри электр таъминоти

корхонаси томонидан "Бўстон" МФЙ худудига 148-сонли трансформатор пунктдан чиқувчи 0,4 кВли ҳаво тармоқларини реконструкция қилиш мақсадида материаллар келтирилиб, 60 донатемир-бетон устунлари ўрнатилди ва 0,5 км. СИП кабель тармоқлари тортилди.

Шунингдек, "Мустақиллик" МФЙ аҳолисини узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 13 та темир-бетон устунлари ўрнатилди. Бундан ташқари, 5 донатрансформатор пункти, "Рамозон" МФЙдаги 2,3 км, "Олтин" МФЙдаги 1,6 км, 0,4 кВ ҳаво тармоқлари мукамал таъмирланди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: "БРИТАНЧА" ШТАММ

Буюк Британияда аниқланган коронавир вирус янги штаммининг дунё бўйлаб тарқалиши кундан-кун кучаймоқда. Бу мутацияга учраган янги штамм юртимизда ҳам аниқланди. Мазкур штамм ҳақидаги саволларга Соғлиқни вазирлиги ҳузурдаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари доктори Севара Убайдуллаева жавоб берди:

Буюк Британияда аниқланган коронавирнинг янги штамми кузатишга давлатларнинг шифокор ва олимлари ҳулосаларига қўра, янги штамм олдинги коронавирга нисбатан 71 фоизга юқувчан ва тарқалувчанлиги жуда юқори. Бу инфекция кўпроқ болалар ва ўсимирларда тарқалмоқда.

"Британча" штаммга хос бўлган хусусият - унинг тез бошланиши. Бу штаммининг

юқтирган одам бир соатдан сўнг умумий ҳолсизликни ҳис қила бошлайди. Тана ҳарорати кўтарилиши +39°С гача ёки ундан юқори бўлади. Қуруқ йўтал, кўп ҳолатларда томоқ қирилиши билан келади. Йўтал оғриқсиз бўлса-да, беморда бош оғриғи ва таъм билешининг йўқолиши кузатилади.

Буюк Британия шифокорлари фикрича, янги штаммининг юқтиришда оёқларнинг пастки қисмларида тошмалар, пурсиддоқлар пайдо бўлиши кузатилиши, чарқоқнинг кучайиши, мушаклар ва суяклар ичида оғриқ бўлиши аниқланган. Баъзи беморларда эшитиш қобилияти ҳам пасайган.

"Британча" штамм бирламчи коронавир каби инсон организмидеги заиф

XII аср ва дунё

ФИРИБГАРЛАР ҲИБСА ОЛИНДИ Хитой полицияси коронавирга қарши қалбаки вакцина тарқатишида айбланган 80 дан ортиқ одамни ҳибса олди ва 3000 дозадан ортиқ препаратни мусодара қилди.

Маълум бўлишича, гумонланувчилар ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён шприцларни оддий физиологик эритма билан тўлдириб, вакцина, деб алдаб одамларга юқори нархда сотиб келган. Пекин, Шанхай ва Шаньдун провинциясида сохта вакцина сотувчилар тармоғи аниқланган. Баъзи маълумотларга қўра, фирибгарлар дунёда вакцина етишмаслигидан фойдаланиб, уни чет элга ҳам жўнатмоқчи бўлишган.

БАЙДЕННИНГ РЕЙТИНГИ ТУШМОҚДА

"Нил" газетасининг хабар беришича, АҚШнинг янги сайланган Президент Жо Байденнинг рейтинг, у ҳокимиятга келган биринчи кунидан бери 2 фоизга пасайган.

Харрис тадқиқот хизмати билан биргаликда нашр томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига қўра, Республикачилар партияси сайловчилари орасида Байденни маъқуллаш даражаси 30 фоиздан 24 фоизгача пасайгани аниқланган. Демократлар тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланиш бир хил даражада қолган, яъни 94 фоиз. Мазкур сўров рўйхатдан ўтган 945 нафар сайловчилар ўртасида ўтказилган.

"GOOGLE" АВСТРАЛИЯДА "ЎЧАДИ"

Австралияда ҳукумат ташаббуси билан йирик технологик компаниялар фаолияти учун тўловлар борасида маҳаллий ҳукумат билан келиши лозимлиги тўғрисида қонун ишлаб чиқилмоқда. Эндиликда мазкур келишувга эришилмаса, давлат томонидан қўйилган ҳакам ишга жалб қилинади. "Facebook" раҳбари Марк Цукерберг эса мамлакат ху-

"ПРАВА"СИЗ АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШ МУМКИН

Қозоғистонда автотранспортни ҳайдовчилик ва транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларисиз бошқаришга рухсат берилди.

Бу мамлакат Президенти йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш бўйича имзоланган қонунда ўз аксини топган.

Қайд этилишича, ҳайдовчилар автоуловда фақат шахсий гувоҳнома билан қарақатланиши мумкин бўлади. Полиция ходимлари автомобиль эгаси ҳақидаги барча маълумотларни планшет орқали кўради. Бунинг учун махсус маълумотлар базаси яратилади.

"Facebook" ҳам тармоқнинг мамлакатдаги янгиликлар бўлими

эпилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛО

Очиқ аукцион савдосига АТБ "Asaka bank" Yunusobod filialining 02.02.2021 йилдаги №450/13-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТХАЙ, Чимкент йўли кўчаси, 79-уй манзилида, умумий 925 кв.м. ер майдонида жойлашган, шу жумладан, бинонинг умумий майдони 574 кв.м.дан иборат, бошланғич нархи - 4 780 085 400 сўм бўлган 2 қаватли бино тақдоран қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2021 йил 18 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 18 февраль кунини соат 11:00 да сотилмаган тақдирда,

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

тақдорий савдолар 2021 йил 5, 22 март, 6, 21 апрель, 6, 21 май, 7, 22 июнь, 7, 22 июль ва 6, 23 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закатлат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйи-

даги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт: - юридик шахслар - давлат рўйхатидаги ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; - жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат

нусхаси илова қилинган ҳолда. Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, яшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунини олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шарт-

номаси имзоланган мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси натижаларига асосан ғолиб харидор савдо ташкилотчисига мулк сотув қийматидан 0,5 фоиз миқдорда тўлов тўлаш мажбуриятини олади. Закатлат пулини тўлаш учун реквизитлар: «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. АТ "Халқбанк" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (+99871) 236-25-53. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR - 0298.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

УЙҚУ ВА УЙҒОНИШ

ёхуд Навоий ва Да Винчи ўзаро маслаҳатлашганми?



Касб тақозосига кўра, Алишер Навоий ҳақида ўқилган ва эшитилган кўп нарсалар ёдда сақланиб қолаверади ҳам, айримлари эсдан чиқиб кетаверади ҳам. Ёзаётганда эса манбага суяниш керак.

Аммо, оғзаки маълумотларнинг манбасини қаердан топасан?

Устозим, атоқли шарқшунос, профессор Нажмиддин Комилов бир воқеани айтиб берган эдилар.



...Бир киши Навоийга ўғлини шогирдликка берибди. Уч кундан кейин шoir унинг отасини чақиртириб, бу боланинг фаросати шогирдликка ярамаслигини, ўғлини олиб кетишини айтибди.

– Нега? Нима қилди? – деб сўрабди ота.

– Учинчи кун кечаси унга энди ухлагша тайёргарлик кўриш кераклигини буюрдим. Қарасам, ҳамма шамларни ўчириб чиқибди. Ахир, уч кун мобайнида сезмадимки, биз кечаси бир шамни ўчирмай қўямиз-ку? – дебди шoir.

Чунки, одатига кўра, Навоий бирор кеча ҳам бир ётиб, бир турмас, бир ярим-икки соат ухлаб, яна туриб, ёзар, яна бир ярим-икки соат ухлаб, яна туриб ёзар экан...

Академик Иззат Султон: – Кундузи ҳам бир ухлаб турган киши юрак касал бўлмас экан, – дер эдилар.

Олимлар товукларнинг инстинктини ўрганишса, улар табиатини бир кеча-кундузда битта тухум туғишга мойил бўлишар экан. Яъни, кечаси тухумни тайёрлаб, кундузи туғишар экан. Шунинг учун ҳозир улар қоронги жойда боқилади-да, бир кеча-кундуз сунъий равишда икки кеча-кундузга айлантирилади. Бунинг учун 6 соат чироқ ёқиб қўйилади-ю, кейинги 6 соат ўчирилади. Шунда товуклар бир суткани икки сутка каби қабул қилиб, бир кеча-кундузда иккитадан туғадиган бўлади.

Камина ҳам эрталабдан то чарчаганимча компьютерда ишлайман. Жумлалар зерикари, салқи, катта-катта, бетаъсир чиқа бошласа, биламанки, чарчабман. Камида бир соат ухлаб оламан. Яна туриб, ёзишга тушсам, энди жумлалар пишқи-пишқи чиқа бошлайди. Худди янги кун бошлангандек сезаман ўзимни.

2020 йилнинг 11 майи куни телевизорда италиялик буюк рассом, ҳайкалтарош ва аллома Леонардо да Винчи ҳақида кўрсатув берилди. Бу фавқуллода буюк истеъдод соҳиби бир суткани 6 га бўлиб олиб, ҳар 4 соатда 15 дақиқа ухлаб турар экан. Жамини ҳисобласангиз, бу суткасига 1,5 соат бўлади. Бўлди – қолган 22,5 соат уйғоқ бўлар экан. Шунинг учун 67 ёшга 100 ёшга кирган одамнинг ишини қилиб кетган-да. Биз – оддий одамлар 16 соатлик чарчоқ учун 8 соат ухлашимиз керак.

Леонардо да Винчи шунинг алгоритмин топган: 4 соатлик чарчоқ учун 15 дақиқалик уйқу кифофи қилади. Бундан ташқари, у организмни ана шу 15 дақиқада чуқур уйқуга кетишига ўргатган. Яъни, шу қисқа муддат ичида у ўта сифатли дам олиб, худди 1-1,5 соат ухлагандек бўлиб ўтган.

Қизиқки, Алишер Навоий ҳам (1441.09.02 – 1501.03.01), Леонардо да Винчи (1452.15.04–1519.02.05) ҳам бир даврда яшаган. Бири Шарқ, иккинчиси Ғарб Уйғонишининг буюқдан-буюқ намоёндаси эди. Бу икки зотга ҳам етиб бўлмайди. Улар қолдирган мерос кўлами ва моҳиятига эътибор қилсангиз, булар одам боласининг қўлидан келадиган ишга ўхшамайди.

Навоийнинг ўзи “Хамса”си охирида бунга гуёки Низомий Ганжавий тилданай қилиб айтиб қўя қолган: *Ки келди замонида сендек киши, – Ки эрмас ишинг одамизод иши.*

Уйғониш даври Шарқда ҳам (IX – XII, XIV – XV асрлар), Ғарбда ҳам (XIV – XVI асрлар) одамзодни асрий уйқудан уйғотди. Инсон жўшқин ижодий фаолият намуналарини кўрсатди, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширди, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарлар яратди, улғу қомусий алломалар дунёга келди, тафак-

кур ва илму ижодда қотиб қолган (догматик) тушунчалар, жаҳолат ва мутаассиблик ёриб ўтилиб, одамни улғулаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини ҳадди аълосида рўёбга чиқариш, адабиёт ва санъатда ҳаётсеварликни тараннум этиш, инсон эрки хурфирқилик учун кураш бошланди. Натижада ижодий қудрат ва тафаккур кучи намоён бўлган бадиий асарлар, салобатли иншоот ва бинолар яратилди, илм-фан ривожланди.

“Уйғониш даври” деганда сўз кўчма маънода қўлланади, албатта. Бироқ бу даврнинг Алишер Навоий ва Леонардо да Винчидек буюқлари мисолида кўрдикки, улар ўз маъносига ҳам уйқудан кўра уйғоқликни афзал билишган. Умр – қисқа.

Унинг кўпини бағфлатда ўтказмайлик – уйғоқ бўлайлик!

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос

Тухфа

Иккинчи жаҳон урушининг сурунли йиллари. Ўзбекистон халқи фронт ортида ғалабага ҳисса қўшиш учун меҳнат қилаётган, қўчирилганларга ўз уйидан бошпана бериб, нонини баҳам кўраётган оғир давлар...

АСАР ҚАЙТА ЧОП ЭТИЛДИ

Ана шундай чоғда ҳам, машаққат қанча залворли бўлмасин, сурунли давр ўзбек адабиётига Навоий образини берди.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек истеъдодининг маҳсули ўлароқ яратилган “Навоий” романи тарихий-бадиий жанрнинг юксак намунаси бўлиб қолди. Ёзилганидан буён асар авлодларга маънавиятдан чексиз сабоқ бериб, эстетик завқ улашиб келаётди.

Утган йиллар давомида “Навоий” романи қайта-қайта чоп этилган. Ҳар бир наشري ўзича бир ҳодиса. Сўз мулкнинг султони ҳақидаги бадиий санъат асари бу гал Навоий таваллудининг 580 йиллиги арафасида “Ўзбекистон” нашриёти жамоаси бирдамлигида янги тўн кийди. Китоб муқовасида улғу шoir яна бир мўйқалам устаси, рассом Абдулҳай Абдуллаев яратган портрет қиёфасида миллатга йирокдан умид билан, ишонч билан боқиб турибди.

Бугуннинг китобхонига асар сирларини очмоқчи. Миллат даҳосининг ҳаёти ва ижоди бадиий ифода этилган роман ўқувчисини кутмоқда. Уйлаймики, келажакимиз эгалари ота-оналари каби мазкур санъат намунасини мароқ билан мутолаа қилдилар. Сўз сеҳридан ҳайратланидилар, захираларини маънан бойитадилар.

Навоий бобомизга янада яқинлаштириши учун китоб саҳифалари ўша замон руҳига мос безалган.

ЎЗА

Кулоққа қалнинан тинлар

Мақоллар

“Қозонда бўлса, чўмичга чиқади”, деган гап бор. Яна бир вариантда “Қозонда бори чўмичга чиқади”, деб ҳам айтади.

Бундоқ қаралса, ўзаги бир бўлган бу иборанинг икки кўринишидан икки хил маъно чиқарса бўлади. Аммо, ягона хулоса шуки, бу мақол дўп-пи тор келиб, қозон зўрға қайнаётган хов ўша замонларда ўйлаб топилган бўлса, ажабмас.

Бири кам дунё-да. Бугунги тўқчилик замонида шу йўлда яна бир мақол чиққанига нима дейсиз: “Қозонда кўп бўлса, чўмич тикилиб қолади...”

Чемпион ҳам одам

Мухбир уч карра жаҳон чемпиони бўлган моҳир курашчидан интервью олапти:

– Шу чоққача бирор марта ҳам рақибларингиздан енгилмаган экансиз. Айтингчи, бунинг сирини нимада?

Чемпионнинг жавоби:

– Ҳеч қандай сир-пири йўқ. Лекин, ҳар сафар рақиб билан юзма-юз келганимда, ютказиб қўйсам, уйга қайси юз билан бораман, хотиним дабдаламан чиқаради-ку, деган хавотир бўлади ичимда...

Жон ширин

Тўқсон олтига чиққан бувим: “Ҳадеб дори ичиравермаларинг, ўрганиб қоламан”, дейдилар...

Бир синаб кўринг

Таом мазали чиқиши учун, назаримда, ошпазининг қорни оч бўлиши керак.

“Анжанчасига”

Анжанликлар чақалоқни ҳам, “Сиз”лашади анжанчасига. Нондай ширин, юмшоқлик билан, Сўзлашади анжанчасига! Оммалейкин, ҳокимбувалар ўргатишди, сўкишнинг анжанчаси ҳам “башқача” бўларкан...

Ўзи икки метр...

Раҳматлик Мухриддин Ҳолиқов қизиқчи дўстларидан бирини “калта” деб чақирарди...

Шукур РАҲМАТ

БЕКБОДЛИК ЧЕМПИОНЛАР

Эътибор



Юртбошимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббусида спорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бекобод шаҳридаги «Маърифат» маҳалласи ҳудудида жойлашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам юртимизнинг бўлажак чемпионларини тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

– Спорт мактабимизда мавжуд 15 та йўналиш бўйича 56 ўқитувчи ва мураббий 1 минг 650 нафар ўқувчи билан каратэ, шахмат, тазквондо, универсал жанг каби тугаракларда машғулотлар олиб боришмоқда. – дейди спорт мактаби услубчи-методисти Карим Атабаев.

СУРАТДА: мазкур спорт мактабининг тазквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони Шодиёна Маҳмуджонова ва Камолитдин Ҳайитов.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

ДУНЁ ЭШИКЛАРИН ОЧГУВЧИ КАЛИТ

Матбуот саҳифаларида, катта-кичик давраларда ёшларнинг китоб ўқимай қўйганлиги ҳақидаги мулоҳазалар кўп гапирилади.

Китобни қадрлайдиган, мутолаа орқали дунё эшикларини очётганлар ҳам кўп...

Пискент тумани халқ таълими бўлими, хусусан, туман мактаблари директорларининг маънавий-маърифий

шув ҳақиқий китобхонлик байрамига айланган кетди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти



Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёти бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шавкат Одиловнинг ижодий учра-

ишлар бўйича ўринбосарлари ташаббуси билан 30-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган ижодий учра-



анин ш кунги фаолияти, чоп этилаётган адабиётлар ва келгуси режалар хусусида сўзлади. Етакчи муҳаррирлар Махмуд Бўрон ва Тўхтамурод Ҳасанбоевлар шеърлар, ҳажвий асарлардан парчалар ўқиб беришди. Муқимий номидаги Ўзбекистон Давлат мусиқали театр актёри Умид Шодмонов, хушовоз хонанда Дилшод Лазиз ўз чиқиш-

лари билан даврага файз киритишди. Айниқса, Алишер Навоий ғазалларидан ёд ўқиб берган нурафшонлик жажжи меҳмон – беш ёшли Расулхон Хўжаевни барча олқишлар билан қарши олди.

Учрашувда энг оригинал савол ва таклиф билдирган иштирокчиларга китоблар тақдим этилди.

Санъат МАМАЖОНОВА, Пискент туманидаги 8-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-235. 4 789 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqati@gmail.uz

Манзилими:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисими:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома
АЗИЗОВА

Навбатчи
Аброр
ЭСОНОВ